



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2006 йил, 21 ФЕВРАЛЬ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 35 (10.592)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгилıklar, воқеалар

Кечка сатрларда

● **БУГУН** "Камолот" ЕИХ Чилонзор туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан ёшлар иштирокида ҳашир уюштирилди.

● **БУГУН** 90-мактабда шахмат, шаҳка бўйича уюштирилган спорт мусобақаларида "Олмазор", Фафур Фулом, "Гуллоб" маҳаллаларининг қизлари ўзаро беллашди.

● **ЎТГАН** куни Учтепа туман ҳокимлигида мактаблар раҳбарлари, фаоллар иштирокида ўтказилган тадбирда маҳаллаларда маънавий-маърифий ишларни яхшилаш борасида сўз борди.

● **БУГУН** Бектемир туманидаги "Нихол" спорт мажмуасида туман хотин-қизлар кўмитаси, "Маънавият ва маърифат" маркази, "Адолат" социал-демократик партияси, "Камолот" ЕИХ туман бўлими, туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорликларидан спортнинг волейбол, стол тенниси, эстафетали югуриш турлари бўйича уюштирилган мусобақалар "Спортчи оила" деб номланди.

● **БУГУН** Ҳамза маъиш хизмат касб-хунари коллежида "Маънавий юксалиш йўлида" мавзусида "Маънавият ва маърифат" марказининг Ҳамза туман бўлими томонидан уюштирилган давра суҳбатда ўқувчилар ва ўқитувчилар иштирок этишди.

● **БУГУН** Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида "Камолот" ЕИХ Мирзо Улуғбек туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан "Саломатлик сирлари ва соғлигимга ўзим хомийман" шиори остида уюштирилган спорт мусобақаларида Мирзо Улуғбек туманидаги ўрта махсус, касб-хунари таълими муассасалари жамоалари беллашди.

● **БУГУН** Сергели туманидаги 268-мактабда "Маънавият ва маърифат" марказининг туман бўлими ташаббуси билан "Хуқуқ ва бурч" мавзусида ўтказилган давра суҳбатда ўқувчилар ва ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар иштирок этишди.

● **БУГУН** Юнусобод туманидаги 25-оилавий поликлиникада "Терроризм-аср вабоси" мавзусида ўтказилган давра суҳбати "Маънавият ва маърифат" марказининг туман бўлими томонидан уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва
ўз мухбирларимиз
хабарларидан.

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ХАЛҚАРО БИЗНЕС МАРКАЗИДА МАМЛАКАТИМИЗ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕБЕЛЬ САНОАТИНИНГ ИНВЕСТИЦИЙИЙ СУЛОҲАТИНИ ХОРИЖЛИК ИШБИЛАРМОНЛАРГА ТАНИШТИРИШ ҲАМДА МАЗКУР СОҲАЛАРГА ЧЕТ ЭЛ САРМОЯСИНИ ЯНАДА КЕНГРОҚ ЖАЛБ ЭТИШГА БАҒИШЛАНГАН ВИДЕОКОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ.

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси ва «Файз» холдинг компанияси билан ҳамкорликда ташкил этган ушбу анжуманда тегишли вазирлик ва идоралар, ишбилармон доиралар вакиллари катнашди.

Тадбирда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан иқтисодий таъминнинг барча баҳаларида, жумладан, қурилиш материаллари ва мебель саноатида изчиллик билан амалга ошириладиган ислохотлар ўз самарасини бераётгани таъкидланди. Президентимизнинг 2005 йил 24 мартдаги «Қурилиш материаллари саноатида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони бу бордаги ишларни янада кенгайтиришда дастуриламал бўлиб

хизмат қилмоқда. Мазкур соҳа тараққиётини таъминлашда «Ўзқурилишматериаллари» муҳим ўрин тутди. Компанияда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар сифатини ошириш ва экспорт ҳажмини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётди. Тайёрланаётган цемент, том ёпқич материаллари, гранит ва мрамрдан тайёрланган пардозловчи плиталар, шифер, гишт, ойна ва ойна маҳсулотлари талай хорижий мамлакатларга экспорт қилинапти.

Ўзбекистон мебель саноатида ҳам хориж инвестициясини жалб этиш яхши самара бераётди. Видеоконференция давомида «Файз» холдинг компаниясининг бу бордаги инвестицион имкониятлари таништирилди. Юртимизда етакчи ва йирик мебель ишлаб чиқарувчи мазкур компания таркибида 26 та корхона мавжуд. Улар-

нинг ўнтаси хорижий инвесторлар иштирокида ташкил этилган. Маҳсулотлари асосан Марказий Осиё мамлакатларига чиқариладиган компанияда ўтган йили экспорт ҳажми олдинги йилдагига нисбатан 14 фоиз ошди.

Анжуманда шунингдек, «Меридиан Осиё» МЧЖ, «Минерал момик заводи», «Охан-гаронцемент», «Тошкент қурилиш материаллари», «Ўзбеккровля» очик акционерлик компаниялари ва «Восток-Гематит» кичик корхонасининг инвестицион лойиҳалари тақдироти бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистоннинг Россия, Туркия ҳамда Бельгия каби мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналари билан тўғридан-тўғри мулоқот ташкил этилди ва хорижлик ишбилармонлар ўзлари ни қизиқтирган саволларга жавоблар олдилар.

МАМЛАКАТИМИЗДА САНЪАТ ВА МАДАНИЯТГА ЭЪТИБОР КАТТА. БУНИНГ ИЖОБИЙ ҲОСИЛАСИ ЎЛАРОҚ КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА САНЪАТИМИЗГА БИР ҚАНЧА ИҚТИДОРИЙ ЁШЛАР КИРИБ КЕЛДИКИ, УЛАР ЎЗ ИЗЛАНИШЛАРИ, ИЖРОЧИЛИК МАҲОРАТИ БИЛАН НАФАҚАТ ЎЗБЕКИСТОНДА, БАЛКИ ХОРИЖДА ЎТКАЗИЛГАН ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛ ВА ТАНЛОВЛАР ҒОЛИБЛИГИНИ ҚЎЛГА КИРИТИБ КЕЛИШМОҚДА.

Офарин!

БИР ЙИЛДА УЧ «ГРАН-ПРИ» !..

Абдумалик Абдуқаюмов ўшандай истеъдодли ёшлардан. У хатто хорижда ҳам ўз мухлисларига эга. Ноёб баритон овоз соҳибини Россия, Озарбойжон ва қозоғистонлик санъат мухлислари ҳам яхши билишади. У аввал Қозоғистонда ўтказилган Халқаро рус "Романсида"сида муваффақиятли қатнашиб, гран-прига сазовор бўлди. Шундан сўнг халқаро танлов мутасаддилари уни Москва "Романсида"сида ҳам йўллашди. У Москвада ҳам композитор Г. Свиридовнинг Сергей Есенин шеърига ёзган романсини қойилмақом ижро этиб, иккинчи марта гран-при соҳибига айланди. Абдумаликнинг Озарбойжонда эришган ютуқларига эса Бokuда ҳавас қилмаган ёш қолмади. У "Булбул" халқаро танловида юксак ижрочилик маҳоратини намойиш этиб, учинчи бор ғолиблик шохсупасига кўтарилди. Хозиргача биронта ёш ижрочимиз бир йилда уч бор гран-прига сазовор бўлмаган эди.

Абдумалик Абдуқаюмов 1979 йили Тошкент шаҳрида таваллуд топди. Ёшлигини

санъатга, хусусан, классик қўшиқчиликка меҳр қўйиши боис мактабда ўқиб юрган кезлариданоқ мусикий тўғаракларда қатнашиб, мумтоз қўшиқларни баритон йўналишида қуйлай бошлади. Ўзбекистон Миллий университетининг "Немис" филологияси факультетини имтиёзли диплом билан битирган бўлсада, санъатга бўлган меҳри боис Абдумалик Ўзбекистон Давлат консерваториясига ўқишга кирди. У айни вақтда иккинчи курсда таҳсил олиш билан бирга, Алишер Навоий номидаги Давлат опера ва балет Академик Катта театрида солист-стажёр сифатида фаолият кўрсатмоқда. Абдумалик инглиз, немис, италиян ва рус тилларида эркин гаплаша олади.

— Эришган ютуқларим ҳукуматимизнинг санъат аҳлига бўлган юксак эътибори ва устозларимнинг таълими натижаси, деб биламан. Келажакда француз ва италиян тилларида ҳам қўшиқ қуйлаш ниятим бор. Ўз тажрибамга ишонган ҳолда келажакда



Ўзбек классик қўшиқларини бутун жаҳон узра тараннум этишга ҳиссамни қўшаман, — дейди биз билан суҳбатда Абдумалик Қаюмов.

Санкт-Петербургда ўтказилган Елена Абрасова номидаги тўртинчи халқаро фестивалда Абдумалик Қаюмов опера услубидаги қўшиқларни мохирона қуйлаб биринчи ўрин соҳиб бўлди. Ғолиблик уни 2006 йилнинг сентябрь ойида Францияда ўтказилган бутун жаҳон халқаро фестивалда иштирок этиши учун имконият яратди.

Рустам ХАЙДАРОВ,
"Туркистон-пресс"

БУНДЕСТАГ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ОЛИЙ МАЖЛИСДА

МАМЛАКАТИМИЗДА МЕҲМОН БЎЛИБ ТУРГАН ГЕРМАНИЯ-БУНДЕСТАГИНИНГ ГЕРМАНИЯ-МАРКАЗИЙ ОСИЁ ПАРЛАМЕНТ ГУРУҲИ РАИСИ ХЕДИ ВЕГЕНЕР ХОНИМ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ СПИКЕРИ Э.ХАЛИЛОВ БИЛАН УЧРАШДИ.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик барча соҳаларда, жумладан, парламентларо ҳам ривожланиб бораётгани қайд этилди. Томонлар қонунчилик борасида, давлатларимиз ўртасидаги ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш ва ислохотларни амалга оширишда ўзаро тажриба алмашишни кенг йўлга қўйган. Ўтган йиллар мобайнида мам-

лакатимизда Бундестагининг ўндан ортик делегацияси меҳмон бўлгани бу фикрнинг яққол далилидир. Германия Бундестаги таркибида қатор икки томонлама ва минтақавий парламент гуруҳлари фаолият кўрсатади. 1994 йилда тузилган Германия-Марказий Осиё парламент гуруҳининг асосий вазифаси минтақамиздаги давлатлар, хусусан, Ўзбекистон парламенти билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришдан иборат.

Қонунчилик палатасидаги учрашувда Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги парламентларо алоқаларни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди. Шу кунги Х.Вегенер хоним Олий Мажлис Сенатида ҳам бўлиб, кўмиталар раислари билан музокаралар ўтказди.

ЎЗА

18 ФЕВРАЛДА «ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИДА ЯПОН ТИЛИНИ ЎРГАНИШ ВА ЯПОНИЯШУНОСЛИК БЎЙИЧА ЖИХОЗЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ» ЛОЙИҲАСИНИНГ ГРАНТ ШАРТНОМАСИНИ ИМЗОЛАШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

ЯПОНИЯ ГРАНТИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ ТАЛАБАЛАРИГА

Лойиҳа доирасида Япония ҳукумати 87,3 минг АҚШ доллари миқдорида бегараз ёрдам ажратади. Ушбу маблағ ҳисобидан японияшунослик ва япон тилини ўрганиш учун мўлжалланган техник ускуналар харид қилинади.

Имзолаш маросими «Тил, маданият ва жамяят тараққиёт чорраҳасида» халқаро конференция доирасида ўтди. Анжуман Япониядаги Цукуба университети ва Тошкент Давлат шарқшунослик институти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ҳужжатларга Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Кусумото Юичи ва Тошкент Давлат шарқшунослик институти ректори Равшан Абдуллаев имзо чекиди.

«Жаҳон» АА

2006 — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

ИДМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР

МАМЛАКАТИМИЗДА ТИББИЁТ ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР ЖАРАЁНИДА ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИКНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР САМАРАСИГА БАҒИШЛАНГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Тошкент тиббиёт академияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда юртимиз олимлари ва шифокорлари билан бирга хорижий мутахассислар ҳам иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи К.Ёдгорова мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни тиббий-ижтимоий ҳимоялаш, барча фойдалана оладиган сифатли соғлиқни сақлаш тизимини шакллантириш тиббиёт соҳасида олиб бориладиган ислохотларнинг устувор

йўналишларидан эканини алоҳида таъкидлади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисидаги фармони ва бошқа мақсадли дастурларда белгиланган вазифалар босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилаётгани ўз самарасини бермоқда.

Соҳада Республика скрининг маркази ва унинг жойлардаги бўлиmlлари фаолияти йўлга қўйилгани муҳим омил бўлماпти. Жойлардаги туғуруқ мажмуаларининг моддий-техника базаси тобора мустаҳкамланиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланяпти. Шифокорларнинг малака ва маҳоратини оширишга, уларни хар томонлама моддий ва маънавий рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётди.

Семинарда оналик ва болаликни муҳофазалаш, оилада тиббий маданиятни ошириш, репродуктив саломатлиқни яхшилаш борасида амалга ошириладиган ишлар кўламини янада кенгайтириш билан боғлиқ вазифалар хусусида фикрлашилди. Бу борада жаҳон тиббиётда қўлланиладиган янги даволаниш усуллари ва воситаларидан фойдаланиш борасида тажриба алмашилди.

ЎЗА

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Мехнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси ҳамда «Адолат» социал-демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан ташкил этилган «Ўзбекистон Республикасида дори воситалари муомаласининг қонунчилик асосларини такомиллаштириш: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари» мавзусида амалий конференция бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Банклар ассоциациясида Республика Марказий банки томонидан хорижий инвесторлар учун банк ва молия тизимидаги муаммоларга бағишланган давра суҳбати уюштирилди. Унда вазирлик ва идоралар, йирик маҳаллий ва хорижий тижорат банклари, инвесторлар, қўшма корхоналар вакиллари иштирок этди.

● Кўп жилдли Ўзбекистон Миллий Қомусининг янги 11 жилдли нашрдан чиқди. Ушбу жилдда Қ,Ғ,Х, ҳарфлари доирасида 1626 та мақола қамраб олинган бўлиб, уларнинг 80 фоизи маҳаллий материаллар ҳисобланади.

● Ширин шаҳридаги Сирдарё иссиқлик электр станцияси акциядорлик жамяти қурилиш бошқармаси, Фарход ГЭСи ва «Шарқтех-нерготайм» қўшма корхонаси шаҳардаги 10 та кўп қаватли уйни таъмирлаб беришни ўз зиммаларига олди. Ҳомийлар маблағи эвазига Мирзо Улуғбек маҳалласида жойлашган кўп қаватли уйларда 200 миллион сўмликка яқин таъмирлаш ишларини бажариш режалаштирилган.

● Хива шаҳридаги Саҳоват уйида боқувчисини йўқотган, ёлғиз кексалар истиқомат қилишади. «Нуроний» жамғармасининг вилоят бўлими бу ерда яшаётган қарияларнинг ҳолидан хабар олиб, уларга 600 минг сўмлик турли зарур дори воситаларини тақдим этди.

● Навоий вилоятининг Учқудуқ тумани ҳокимлиги Наврўз умумхалқ байрамини тантанали ўтказиш мақсадида тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Унда Ҳомийлар ва шифокорлар йилида халқ аънавалари, урф-одатларга юксак ҳурмат ва эҳтиромни намойиш этиш, маънавий кадрларимизни кишилар онгига чуқурроқ сингдириш, шаҳар ва овуллар кўрқига кўрк қўиши, кўкламги ободонлаштириш борасида амалга ошириладиган ишлар белгиланди.

● Тадбиркор аёл Кароматхон Халилова Хатирчи туманида «Гавҳарчи» хусусий ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этгач, 300 нафар уй бекаси янги иш ўрнига эга бўлди. Ушбу корхонада энг сўнгги дизайн асосида аёллар ва эркакларнинг либосларини тикиш йўлга қўйилди. Чеварлар тайёрлаган либослар туман ва вилоятдаги савдо дўконларида сотувга чиқарилди.

● Навоий шаҳрида хотин-қизлар ўртасида волейбол бўйича Ўзбекистон чемпионатининг олий лига жамоалари ўртасида иккинчи тур беллашувлари бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Кеча Доғистон республикаси парламентининг сессиясида мамлакатнинг янги раҳбари Муху Алиев тасдиқланди.

● Кеча Эрон Ядро дастурини муҳокама қилиш учун мамлакатнинг Миллий хавфсизлик бўйича олий кенгаши котиби ўринбосари Саид али Хоссейнитош бошчилигидаги делегация Россияга ташриф буюрди. Москвадаги учрашувлар олдидан Эрон томонидан нима бўлганда ҳам уррани бойитиш ҳажмлари пайсантирилмаслиги билдирилди.

● Грузия тинчликпарвар батальони кўмондони Паата Бединашвилининг маълум қилишича, Грузия — Осетия зиддиятлари ҳудудидаги барча асосий йўллар ёпиб қўйилди.

● Англия парламенти аъзоларининг кўпчилиги мамлакатдаги барча пивохоҳна ва шахсий клубларда чекишни таққиллаш учун овоз берди. Буюк Британия соғлиқни сақлаш вазири Патриша Хьюитт 2007 йилда кучга кириши керак бўлган бу қонун минглаб одамларнинг ҳаётини сақлаб қолади, деган фикрда.

● Бразилиянинг Рио де Жанейро шаҳридаги Копакабана сув ҳавзаси ҳудудида 1 миллиондан ортик мухлис иштирокида машҳур "Роллинг Стоунз" ансамблининг концерти бўлиб ўтди.

● Афсонавий боксчи, собик жаҳон чемпиони Майк Тайсон оғир вазни чарм қўлқоп ус-таларининг «Superfighter» турнирида иштирок этмоқчи эканини маълум қилди. Турнир шу йилнинг 4 июнь куни Австралиянинг Мельбурн шаҳрида ўтказилади. Тайсоннинг сўнгги мураббийи Жефф Фенек маҳаллий радиостанция орқали чиқиш қилиб, ана шулар ҳақида ахборот берган.

● Швейцария банклари 1,6 миллиард доллар миқдоридagi маблағнинг эгасини топ-салмаганликлари туфайли уни хайрия мақсадида сарфладилар. Бундай савобли ишни банклар Европа Иттифоқи ва Швейцария ҳукуматларининг босими остида ноқонуний ҳисоб рақамларини ёпиш жараёнида амалга оширдилар. Текширувлардан шу нарса маълум бўлдики, сўнгги беш йил давомида қарий 500 миллиард долларга яқин пул соҳиблари ўз бойликларини ноқонуний йўл билан топганлар.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 22 февраль куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, бироз ёнғинчилик бўлиши мумкин. Фардан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 1 даража сувуқ билан 1 даража илқ, кундузи 10-12 даража иссиқ бўлади.

ИЖТИМОЙ ХИМОЯ

Тошкент шаҳар касаб уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг саҳифаси

ҲАМКОРЛИКДАГИ РЕЖАЛАРГА КЎРА

ИШЧИ-ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МАНОФААТЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШ БОРАСИДА "АСАКА" ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИДА МАЪМУРИЯТ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА БЕЛГИЛАНГАН РЕЖА АСОСИДА МУАЙЯН ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Тадбирлар режасида йил давомида ходимларда ўз соғлиғини сақлашга тўғри ва масъулиятли муносабатда бўлишга ва соғлом турмуш тарзи маданиятига йўналтирилган ҳаётини фалсафани шакллантириш, уларга тиббий ёрдам кўрсатиш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш ва оилани соғломлаштириш, банк тизимидаги ногирон, кўп болали ходимларга молиявий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, меҳнат фахрийлари, ногиронларнинг соғлиғини тиклаш, ишчи-хиз-

матчилар меҳнатини ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ходимлар ўртасида жисмоний тарбияни ривожлантириш болалар, аёлларни спортга жалб этиш, уларнинг дам олишини ташкил этиш масалалари ахс этган.

Саховат-ҳалқимизга хос хислат. Аҳолининг саломатлиги ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган "Экология ва саломатлик кунлари" юзасида умумхалқ ҳашарларида ходимларимиз фаол

иштирок этадилар ва ҳозирга қадар беш мартаба хайрия ҳашари ўтказилиб, тадбирлардан тушган маблағлар "Маҳалла" ва "Эксан" жамғармалари ҳисобларига ўтказилди. Шунингдек, Орлобўйи генотипини муҳофаза қилиш хайрия жамғармасига уч миллион сўм ўтказилди. Банк томонидан Мустақиллик байрами арафасида Болалар спортини ривожлантириш, "Нуроний" жамғармаларига, Гивендлик моддалари бўйича назорат Миллий марказига, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасига, Ўзбекистон теннис федерациясига, Республика кўрлар ва ногиронлар жамиятларига, Қизил Ярим Ой кенгашига, уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатига, Меҳрибонлик уйлари, болалар шифохоналари ҳамда ногирон фуқароларга 1,74 миллион сўм миқдоридики маблағ хомийлик ёрдами сифатида кўрсатилди.

Меҳр-муруват олий қадриятдир. Банк тизимида кўп йил меҳнат қилиб келган ходимларга алоҳида эътибор кўрсатилмоқда. Хусусан, умумхалқ байрамлари, кўтулғ саналар ҳамда соғлиқларини тиклаш муносабати билан уларга мукофот берилиб, моддий ёрдам ажратилди. Танч аъзолари шикастланган болаларнинг банк хомийлигидаги 100-махсус мактаб-интернатига ётоқ жиҳозлари олиб берилди.

Тани соғлиқ — туман бойлик деб халқимиз бежиз айтмаган. Банк ходимларига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва соғлиқларини доимий равишда кузатиб бориш мақсадида бош маъмурий бинода махсус жиҳозланган тиббий бўлим фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, малакали шифокор томонидан банкнинг 284 нафар ходими тиб-

бий кўриқдан ўтказилди ва зарурат бўлган ҳолда уларга махсус йўланмалар берилди, 74 нафар ходимга тез тиббий ёрдам кўрсатилди, банк тизимида ишлаётган ногирон ходимлар назоратга олинди. Жумладан, 28 нафар ходимнинг ҳолатини текшириш ва тиклаш мақсадида репродуктив саломатлик Маркази билан шартнома тузилди ҳамда 19 нафар ходим тиббий кўриқдан ўтди. Банк ходимларининг стационар даволаниши учун республика 1-клиник шифохонаси билан шартнома тузилиб, 112 нафар ходим банк ҳисобидан соғлиғи тикланди.

"OASIS-ASAKA KOMPLEKSI"нинг тренажёр залида 178 нафар, сув ҳавзасида сузиш билан 223 нафар, шейпингда 68 нафар банк ходимлари шугулланиб, соғлиқларини мустаҳкамладилар.

Бундан ташқари банкда ишлаётган 7 нафар ходим имтиёзли бепул йўланма билан даволанди. Битта ёш оилага репродуктив саломатлигини тиклаш мақсадида "8 март" санаторийсига бепул йўланма берилди.

Спорт-банк ходимлари ҳаётида муҳим ўрин эгаллаб, вакилларимиз шахмат мусобақаларида, Ўзбекистон Банклар ассоциацияси томонидан ташкил этилган футбол беллашувларида фаол қатнашиб келмоқдалар.

Ишчи-хизматчиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашга қаратилган эътибор, меҳнат унвондорлигини оширишга ҳизмат қилди. Мазкур хайри иш йўлида куч-ғайратимизни аямаймиз.

Исроил МУСАБОВЕВ,
"Асака" Давлат-акциядорлик тижорат банки касаб уюшма қўмитасининг раиси

Иқтисодиёт

ЎЗ МУДДАТИДА ТАЙЁРЛАНДИ

«SONI-TA» ХУСУСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФИРМАСИНИНГ МАҲСУЛОТЛАРИ СИФАТИ, РАҚОБАТБОРДЛИГИ БИЛАН АЛОҲИДА АЖРАЛИБ ТУРАДИ. ФИРМАНИНГ БУЙОРТМАЧИЛАРИ САФЛАРИ БУТУН РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ ЙИЛДАН ЙИЛГА КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА.

10 нафардан иборат малакали ишчи-хизматчилардан иборат жамоа ахли буюртмалар асосида қодлаштирилган сейфлар ишлаб чиқаришни яхши йўлга қўйган. Утга чидамли, кўркам, хона жиҳозлари билан уйғунлашган сейфлар ишлашга қулай ва оддий бўлиб, ҳар қандай нозиктаёб харидорнинг дидига мос. Шунингдек, корхонада банк, офис, фирмалар учун металлдан мебель — турли ҳажмдаги шкафлар ҳамда кўплаб турдаги бошқа жиҳозлар ҳам ўз муддатларида тайёрланади.

Ички бозоримизни чуқур ўрганиш асосида жамоа ахли маҳсулотлари турини кўпайтиришга эришмоқда. Бунда асосий эътибор сифатга қаратилгани боис ҳам фирма маҳсулотлари рақобатбардор ҳамда четдан келтирилганидан нисбатан арзонлиги билан ажралиб туради.

Жаҳон андозалари талабларига тўла жавоб берадиган маҳсулотлар тайёрлаш учун ҳам ашё асосан Россия, Эрон ҳамда Қозғистон давлатларида келтирилмоқда. Утган — 2005 йил самарали кечган жамоада аниқ режалар асосида иш юритилиб, янги маҳсулот турларини яратиш устида изланишмоқда.

СОҒЛИҚҚА ҲАМ ФОЙДАЛИ

ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШНИ НИЯТ ҚИЛГАН ИНСОНЛАР, АВВАЛО ЧУҚУР БИЛИМГА ЭГА БЎЛИШИ, ОЛДИНИ КЎРА БИЛИШИ, ЯНГИЛИККА ҲАМДА ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС ҚАДАМ ТАШЛАШИ ЛОЗИМ.

Чилонзор туманида бундан ролпа-роса 3 йил аввал хусусий бизнесини юрота бошлаган Собир Рўзиев саккиз нафар ёшларни иш билан таъминлаганди. Бугунги кунга келиб кичик корхонада 11 нафар ишчи-хизматчилар меҳнат қилмоқдалар. Маъмуричилигимиз тўқинчилигимиз нишонаси бўлган соғлиғимизга ҳам фойдали маҳсулот — нон ва нон маҳсулотларини жамоа ахли ён-атрофдаги маҳаллалар аҳолисига иссиқгина етказиб беришда жонбозлик кўрсатмоқда.

Мазкур корхона цеҳида ўрнатилган Германия давлатидан келтирилган ҳамда маҳаллий тадбиркорлар ишлаб чиқарган юксак унумли кичик новвойхоналарда тайёрланаётган мазали, хушбўй, бўрсилдоқ «Оби нон», «Патир», «Кулча», «Калач», «Пиёзли» каби 10 турдаги нон ҳамда «Майизли», «Начинкали», «Седанали», «Творогли» каби 15 хилдаги хуштаъм булочкалар харидор-ғирлиги билан ажралиб туради.

Кувонарлиси, ўтган йили мохир новвойлар 2 хилдаги шифобахш — «Шифо-нон» ҳамда «Саломатлик» парҳез нонларини тайёрлаб, миջозларни мамнун қилишди. Шунингдек, жамоа ахли 5-6 хилдаги сифатли қандолат маҳсулотларини ҳам аҳоли дастурхонига тортиқ қилмоқда.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Тиббиёт

БОЙ БИЛИМ ВА ТАЖРИБА

ЯПОНИЯНИНГ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК АГЕНТЛИГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАМШИРАЛИК ТАЪЛИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЛОЙИХАСИ УСТИДА ИШ ОЛИБ БОРМОҚДА. АНА ШУ ЛОЙИХА ДОИРАСИДА ЯПОНИЯ ҲАМШИРАЛИК ТАЪЛИМИНИ ЎРГАНИШГА ДОИР АНЖУМАНЛАР ҲАМ ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА.

Агентлик саъй-ҳаракати билан Кунчиқар мамлакатга уюштирилган сафар ҳам қутилган натижани берди. Биринчи республика тиббиёт коллежи «Ҳамширалик иши асослари» фани ўқувчиси Сабоҳат Зурфарова Шоира Исҳоқова раҳбарлигидаги мутахассислар гуруҳи Нагасаки шаҳридаги тиббиёт олий ўқув юртида ўз билим ва малакаларини оширдилар.

Тиббиёт муассасалари ҳамда туғруқхоналар фаолияти ва ортиривлаётган бой иш тажрибалари ҳам меҳмонларда қизиқиш уйғотди.

ТЕЛЕВИЗИОН ТИББИЁТ КЎП КЕЛДИ

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ТЕЛЕВИЗИОН ТИББИЁТ МИКРОСКОПИЯ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛГЕНИГА ҲАЛИ КЎП БЎЛГАН ЙЎҚ. БУНДАЙ ЯНГИЛИК ТУРИ ОҒИР ХАСТАЛИКЛАР МУОЛАЖАСИ БЎЙИЧА ТЕЛЕВИЗИОН МАСЛАҲАТЛАР УЙУШТИРИШДА ҲАМ ҚЎЛ КЕЛДИ.

Ана шу бевосита намойиш усули мамлакатимизда илк бор Тошкентда уюштирилган «Соғлиқни сақлаш» еттинчи халқаро кўргазмасида қўлланилди. Эндilikда телевизион тиббиёт йирик анжуманларни ўтказишда ўз ижобий натижасини бермоқда.

Мамлакатимиздаги патологоанатомларнинг навбатдаги анжумани ҳам телевизион консультация кўринишда ўтказилди. Бу эса республикаимиздаги туманлараро патологик анатомия бўлимининг мазкур жараён билан бевосита таништириш имконини берди.

ДОЛЗАРБ МАВЗУДА

РЕСПУБЛИКА ГЕМАТОЛОГИЯ ВА ҚОН ҚЎЙИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ОЛИМЛАРИ ҚАТОР ТИББИЙ ЛОЙИХАЛАР БЎЙИЧА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРМОҚДАЛАР. ИЛМИЙ МУАССАСА ТАРКИБИДА РЕСПУБЛИКА КАМҚОНЛИК МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ БИЛАН ШИФОКОР ОЛИМЛАРИНГ ФАОЛИЯТ ДОИРАСИ ЯНАДА КЕНГАЙДИ.

Темир танқислиги камқонлиги, фолий кислота танқислигининг олдини олиш ва самарали муолажаларни уюштириш борасида қатор ютуқларга эришилмоқда. Бу илмий даргоҳда ўтказилган навбатдаги илмий анжуманининг «Темир танқислиги камқонлиги муаммоси — жамият муаммоси» деган мавзуга бағишланиши ҳам бежиз эмас. Мазкур тадбирда тиббий хизматнинг самарадорлигини таъминлашга қаратилган режалар белгилан олди.

Ақбар АЛИЕВ



ЖАМОА ШАРТНОМАСИ АСОСИДА

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МАНОФААТЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИДА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШ БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ. КОРХОНАНИНГ МОДДИЙ ҲИЖАТДАН ҚАНДАЙ ИМКОНИЯТЛАРГА ЭГЛИГИ БУ БОРАДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.

Бозор иқтисоди шароитида тадбиркорликни йўлга қўйиб, ўз ўрнини топаган, харидорғир, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқараётган корхонанинг имконияти янада кенгайиб боради. Маийий электроплиталарни ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва сотишга иxtисослашган «Элга-Осиё» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасида маҳсулот сифати ва унвондорлигини таъминлаш, атроф-муҳит тозаллигини асраш учун «GALVOUR» швед компаниясининг қора металлдан тайёрланган буюмларнинг емирилишига қарши гальвано қоплаш ускунаси ишга туширилган. Бу ускунанинг афзаллик жиҳати шундаки, иш жараёнида ишлатилган сув ускунанинг ўзида тозаланиб, ишлаб чиқариш жараёнига қайтарилади. Шу билан бирга сув ҳам тежалди ва атроф-муҳит тозаллиги сақлаб қолинади. Қора металлга мис қопламаси ўрнига, гальвано қопламаси беришнинг ўзлаштирилганлиги маҳсулотнинг арзон, сифатли харидорғир бўлишига хизмат қилиб, бундай технологик жараён Марказий Осиёда ягоналиги билан ажралиб туради. Корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника ҳавфсизлигига катта аҳамият берилмоқда.

Ишлаб чиқариш жараёнида мутахассисларнинг хавфсиз фаолият кўрсатишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Ходимлар учун дам олиш, овқатланиш, ювениш ва хотин-қизларнинг гигиена хонаси мавжуд.

Корхонада меҳнат муносабатларини тартибга солувчи, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилувчи муҳим юридик ҳужжат-жамоа шартномаси иш берувчи ва касаб уюшма қўмитаси ўртасида тузилган бўлиб, шу асосда ишлар олиб борилади. Ишчиларнинг оилак маошига овқатланиш учун белгиланган миқдорда қўшимча ҳақ тўланади. Шунингдек, таъмирлаш ишларини амалга оширувчилар учун ҳам оилак иш ҳақи белгиланган миқдорда ҳақ тўланади. Ишчилар иш берувчи ҳисобидан ҳар йили тиббий кўриқдан ўтказилмоқда. Утган йили меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирлари учун 500 минг сўм миқдорда маблағ сарфланган. Ишчилар махсус кийим-кечак каби яқка тартибдаги ҳимоя воситалари билан таъминланган. Меҳнат таътили 24 кун бўлиб, зарарли меҳнат шароитида ишловчиларга қўшимча 4 кундан 6 кунгача таътил белгиланган.

Ишчи-хизматчиларга яқинлари вафот этганда ва тўй маросимлари, пенсияга чиқиш муносабати билан белгиланган миқдорда моддий ёрдам кўрсатилади.

Бозор муносабатлари шароитида меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоялашга ишга омиқкорлик билан ёндошиб, даромадга қараб буромад қилиш хайрли фаолиятимизда асосий йўналиш бўлиб давом этади.

Зинаида ГАВРИЛОВА,
корхона касаб уюшма қўмитасининг раиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ Миллий банки КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИДА МАЪМУРИЯТ БИЛАН БИРГАЛИКДА ҚАТОР ИШЛАР ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛМОҚДА.

Ходимларнинг сифат-саломатлиги эътиборда бўлиб, уларнинг соғлиғини сақлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиб, спортнинг оммавийлигини оширишга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Миллий банк касаб уюшма қўмитаси тизимидаги «VIP SERVICE NBU»нинг 30 нафар ходимлари ҳамда уларнинг оила аъзолари билан «Саломатлик» спорт мусобақалари, Самарқанд шаҳрида эса касаб уюшма фаоллари иштирокида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга йўналтирилган семинар ҳамда Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида банк ходимларининг фарзандлари, 24-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ва ногирон болалар тақлиф этилгани ҳолда кўргазма ўтказилди.

Хайрли ишлар давом этади

«Турон», «Янгийўл», «Чинобод», «Зомин», «Чортоқ», «Октош» санаторийларида 60 нафар ва «Олтин ёмби», «Кумушқон», «Чорвоқ», «Қизилсой», «Наврўз» дам олиш масканларида эса 50 нафар ходимларимиз соғлиқларини мустаҳкамладилар. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси томонидан Шайхонтоҳур тумани ижтимоий-таъминот бўлимига ногиронлик аравачалари, дори-дармон, қўлтиқ таъқлар сотиб олиш ва «Соғлом авлод учун», «Нуроний», Болалар спортини ривожлантириш жамғармаларига хомийлик ёрдами кўрсатиш мақсадида маблағлар ўтказилди.

Ходимларнинг биринчи синфга ўқишга бораётган 153 нафар фарзандлари ва 24-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига дарслик, ўқув қуроллари топширилди. Шунингдек, икки минг 560 нафар банк ходимлари гриппга қарши вакцинация қилиниб,

касалликнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар ва 3021 нафар ходим эса тиббий кўриқдан ўтказилди. Мактаб ўқувчиларининг киши таътили кунларида банк маъмурияти ва касаб уюшма қўмитаси томонидан ходимларнинг 1258 нафар фарзандларига ҳамда оталиқдаги 24-Меҳрибонлик уйининг 50 нафар тарбияланувчиларига Янги йил байрам томошалари учун чипталар ва совғалар тақдим этилди. Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, баҳоли-қудрат меҳр-муруват тадбирларини амалга ошириш банк маъмурияти ва касаб уюшма қўмитасининг диққат-эътиборида бўлиб, хайрли ишлар давом этади.

Умид ИБРАГИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бирлашган касаб уюшма қўмитасининг раиси

Эл соғлиғи — юрт бойлиги

MDS-SERVIS ҚЎШМА КОРХОНАСИ ШОШИЛИНЧ, МАЛАКАЛИ ТИББИЙ ЁРДАМНИ КЎРСАТИШ БИЛАН ПОЙТАХТ АҲОЛИСИ ЎРТАСИДА ТАНИЛИШ БОРАЁТГАН ШИФО МАСКАНЛАРИ ҚАТОРИГА КИРАДИ.

Аҳоли саломатлигини сақлаш борасида кечани-кеча, кундузни-кундуз демасдан астойдил меҳнат қилаётган ходимларимизнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш корхона касаб уюшма қўмитасининг диққат — эътиборини эгаллаган. Саломатлик — туман бойлик — деб бежиз айтилмаган. Шифокор беомори даволаши учун ўзи жисмонан бақувват, руҳан тетик бўлмоғи лозим. Ходимларимизнинг баракали меҳнат қилишлари учун уларнинг соғлиғига аҳамият берилади. Утган йилда ходимларимиздан уч нафари сихатроҳларда даволаниб, 24 нафари эса дам олиш уйларида хордиқ чикардилар. Умумхалқ байрамлари

муносабати билан кўп болали, ночор ходимларимизга, меҳнат фахрийларига имконият даражасида моддий ёрдам кўрсатилди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги — долзарб масала бўлиб, алоҳида эътиборни талаб этади. Ходимлар ва айниқса ҳайдовчилар, авто чилангарларнинг иш шароитларини яхшилаш мақсадида зарур кулайликларга эга бўлган замонавий гараж ва устaxonа қуриб берилди. Барча ходимлар махсус кийим-кечак ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари билан бепул таъминланганлар. Корхонада иш ҳақи бўйича қарздорликка йўл қўйилмади. Аҳолига малакали тиббий хизматни кўрсатишда сидқиқидан ишлаб келаётган ходимларимизнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш ҳамда фаолиятимизнинг устувор йўналиши бўлиб қолади.

Т.КУРИЛОВА,
MDS-SERVIS Қўшма корхонаси касаб уюшма қўмитасининг раиси

ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН

СЕРҚУЁШ ЮРТИМИЗ ЗАМИНИДА ЕТИШТИРИЛАЁТГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ, УНИ ИЧКИ ВА ТАШҚИ БОЗОРГА ЕТКАЗИБ БЕРИШ ҲОЗИРГИ КУНДА ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРДАН БИРИДИР.

Сергели туманида жойлашган «Грин-волд» Ўзбекистон-Америка-Корея қўшма корхонаси бундан 6 йил муқаддам Ўз фаолиятини бошлаган. Қўшма корхона асосан ҳўл меваларни қайта ишлашга ихтисослашган.

Айни пайтда корхонада қайта ишланган маҳсулотларнинг 65 фоизи четга экспорт қилинмоқда. Жумладан Россия, Беларусь, Қозғистон, Корея Республикаси сингари давлатлар қўшма корхона маҳсулотларининг асосий харидорлари ҳисобланишади. Бундан ташқари Мўғулистон, Малайзия, Дания, Германия каби дунёнинг унлаб давлатларига ҳам корхонада етиштирилган тайёр маҳсулотлар пешима-пеш етказилиб турибди.

Бу эса серқуёш Ўзбекистонимиз иқтисодий қудратини оширишга хизмат қилмоқда. Корхонада юр-

самлашган. Иш ҳақининг ўз вақтида берилаётганилиги болали аёлларга қисқартирилган иш кунининг жорий этилганлиги, ходимларга хавф-хатарсиз, қулай иш шароитининг яратилганлиги шулар жумласидандир.

Корхона касаб уюшма қўмитаси томонидан шартнома мажбуриятларининг ижроси устидан назорат ўрнатилган. Бунга ҳаётини мисоллар талайгина. Корхонада ишлаб нафақага чиққанлар ҳам ҳамма исзат-икромда. Уларга касаб уюшма қўмитаси санаторийларга бепул йўланмаларни ажратмоқда. Бундан ташқари жамоада меҳнат қилаётган кам таъминланган оилаларга барча умумхалқ байрамларида моддий ёрдам кўрсатилмоқда ва қариялар ҳамда муҳтож оилаларнинг вакилларини бир пиёла чой баҳонасида байрам дастурхони атрофига чорлаб, улар ҳолидан хабар олиш ва баҳоли-қудрат соғва-саломлар тақдим этиш корхона раҳбарларининг хайрли анъанасига айланган. Воёга етмаган ёш бо-

лалари бор аёллар учун қўшимча таътил ва нафақалар жорий этилган. Корхона раҳбариятининг саъй-ҳаракати туфайли ишчи ва хизматчиларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Бу эса корхонада иш унвондорлигининг ўсишига олиб келмоқда. Корхонада ҳозирги кунда мавсумга тайёргарлик ишлари қизгин олиб боришмоқда. Ишчилар ҳозирданқоқ ускуналарни янги ҳосилни қабул қилишга тайёрлаб қўйишмоқда. Ишчиларга яратиб берилган қулай шароит, моддий манфаатдорликнинг тўғри йўлга қўйилганлиги меҳнат унвондорлиги ва маҳсулот сифатининг ошишини таъминламоқда. Излаган имкон топади. Корхона жамоаси муштарак мақсад йўлида жипслашиб бир оила фарзандларидек меҳнат қилмоқда. Бу эса шавқ-шубҳасиз ўз самарасини бермоқда.

Шоира ШАМШИЕВА,
Сергели туман савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаб уюшма Вакиллиги вакили

ШАКЛЛАНАЁТГАН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ДАВР ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА БОШКАРА ОЛАДИГАН РАХБАР КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ. КОРХОНАЛАР, КОРПОРАЦИЯЛАРНИ БОШКАРУВЧИ ХОДИМЛАР ЧУҚУР БИЛИМ ВА ТАЖРИБАГА ЭГА БЎЛИШИ, ЮКСАК МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ЭТИШИ ЛОЗИМ.

Хар бир бошқарув ходими илгор тажриба ва фан ютуқларидан хабардор бўлиб, ўз фаолиятида ундан оқилона фойдаланиши керак. Чунки рақобат муҳити ошгани сари «челланг» ресурслардан оқилона фойдаланиши, самарадорлиқни ошириш, корхонанинг фойда келтириш даражасини юксалтириш долзарб муаммоларга айланиб бораверади.

1994 йили Ўзбекистон Республикасида Жанубий корейлик ҳамкорлар билан алоқа ўрнатилиб, автомобилсозлик саноатида асос солинганда, республикамиз келгусида дунёда ривожланган автомобиль ишлаб чиқарувчи 28 давлат қаторига кириши кўзда тутилган эди. Ушбу ҳамкорлик асосида республикамизда автомобиль саноатида замин яратилди. Қисқа муддат ичида Асака шаҳрида «ЎЗДЭУавто» қўшма корхонаси барпо этилди. Унинг кетидан Самарқанд шаҳрида «СамКочАвто» Ўзбек-турк қўшма корхонаси иш бошлади. Жиззах шаҳрида «ЎзЭксайд» Ўзбек-Америка аккумулятор ишлаб чиқарувчи қўшма корхонаси қурилиши, Андижон, Фарғона вилоятларида янги ишлаб чиқариш корхоналари шаклланиши давросаноатнинг ривожланишини таъминлади.

Автомобилсозлик: истиқбол уфқлари

КЕЛАЖАК САРИ ИШОНЧЛИ ОДИМЛАР

Дастлабки босқичларда автомобиль саноати ишлаб чиқариши хорижий мамлакатлардан келтирилган эҳтиёт қисм автомобиль анжом дастгоҳлари асосида ташкил этилган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг салмоқли қисмини ўзимизнинг мамлакатимизда ишлаб чиқариш амалиётга киритилди. Аммо ҳали республикамизда автомобиль саноатида импортнинг ўрнини босиш масаласининг ҳал этилиши етарли даражада эмас. Ўзбекистон Республикасида автомобиль саноатини юксалтириш назариясини яратувчилар сафига У.Т.Султонов, А.А.Юсупов, Қ.Р.Парпиевларни қўшиш мумкин.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида янги тармоқ — автомобилсозлик саноатининг ривожланиш концепцияси ва ундаги импорт маҳсулот ва эҳтиёт қисмларини маҳаллий ресурслардан ишлаб чиқариш замон талабига айланыпти. Шу ўринда айтиш лозимки, бугунги кунга келиб, бир неча корхоналар «ЎЗДЭУавто» автомобиллари учун хар хил эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 17 мартдаги қарори билан «Ўзавтосаноат» автомобиль саноати корхоналарининг уюшмаси ташкил этилиши Ўзбекистонда янги тармоқ вужудга келиши ва ривожланишига асос бўлди. Унга қўра, Андижон вилоятининг Асака шаҳрида Марказий Осиёда биринчи бўлиб автомобиль ишлаб чиқарувчи компания Жанубий Корея билан ҳамкорликда барпо этилди. Таъсисчи тарихида иштирок этган «Ўзавтосаноат» уюшмаси ва DAEWOO корпорацияси йиллик ишлаб чи-

қариш қуввати 200 минг автомобиль тайёрловчи саноат гигантини тез муддатда қуриб битказиб, 1996 йил июль ойида биринчи автомобиллар ишлаб чиқарилди. Шу йилнинг ўзидаёқ автомобиллар биринчи туркуми Россияга экспорт қилинган эди.

Ҳозирги кунда «Ўзавтосаноат» таркибига хар хил мулкчилик шаклига эга бўлган корхоналар кирмоқда. Улар сафига енгил, енгил юк ташувчи, мидибус, автомобиллар қўшимча қисмларини тайёрловчи, «Автотехизмат» корхоналари кирди.

Ўзбекистонда маҳаллий ресурслардан маҳсулот ишлаб чиқариш учун бошқа қўшма корхоналар ҳам ташкил этила бошланди. Улар қаторига «ЎзКорам», «ЎзДонҶанг», «ЎзДонг-Вонг», «ЎзСэМьонг», «Ўз Тонг Хонг», «ЎзДонгЖу», «ЎзКоджи», «АО Авто-ойна» ва «ЎзЭксайд» корхоналарини кўрсатиб ўтиш мумкин. Ушбу корхоналар «ЎЗДЭУавто» компанияси учун бўёқлар, ўриндиқлар, бампер, электр жуглар ва бошқа қўшимча қисмларни етказиб беришга ихтисослашган.

Фарғона вилоятини ҳақли равишда мамлакатимиз автомобиль саноатида бутловчи қисмлар етказиб берувчи етакчи минтақалардан бирига айланди, дейиш мумкин. Биргина Қўқондаги машинасозлик корхоналарида асакалик машинасозлар бююртмаси билан ўттизга яқин бутловчи қисмлар тайёрланапти. Фарғона механика корхонасида эса, автомобиллар гилдираклари учун дисклар ишлаб чиқарилмоқда. «Авто-ойна» акциядорлик жамияти ҳам шу ерда фаолият кўрсатмоқда.

Собик иттифок республикаларидан фарқ-

ли ўлароқ, Ўзбекистон ички бозорни хориждан сотиб олинган моллар билан тўндириш эмас, балки ўзимизда импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришни асосий мақсад қилиб қўйган. Ҳамдўстликдаги қатор мамлакатлар захиралари ва чет эл кредитларини озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олишга сарфлашаётган бўлса, бизда кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган замонавий технологияларни олиб кириш, қўшма корхоналар ташкил қилиш устувор вазифа деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди шароитида, маданиятимиз, табиий бойликлари мизини инобатга олган ҳолда автомобиль саноатини ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди. Республика Президенти таъкидлаганидек, бу концепция асосида «Ўзавтосаноат» акциядорлик компаниясининг халқ автомобиллини яратиш мақсади ётади. Жорий йил шуниси билан эса қоларли бўлдики, Асака автозаводи конвейеридан 500 мингинчи автомобиль тушди. Шу йил мамлакатимизда дастлабки автомобиль чиқарилганлигининг ўн йиллиги нишонланади. Бугун ҳеч бир муболагасиз айтиш мумкинки, «Ўзавтосаноат» АК МДХ ҳудудида энг юксак технология автомобиль заводига, юқори малакали кадрларига, ўз машиналарини ички ва ташқи бозорда сотиш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш бўйича ноёб, ўзига хос тизимига эга. Шунинг учун ҳам келажакка ишонч билан қараймиз.

С.ЮСУПОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси



Сўранг, жавоб берамиз

ЯХШИ-Ю, ЗАРАРИ ЙЎҚМИКИН?

Телевизор орқали қарийб ҳар куни (баъзан кўп марта) ёқимсиз ҳидларни йўқотадиган дезодорантлар реклама қилинишининг гувоҳи бўламиз. Танадан тер ҳидининг йўқолиши албатта яхши. Лекин баъзилар дезодорантлардан фойдаланишни зарарли дейишади. Ҳақиқатан ҳам шундаймикин?

Суюнбой Ҳақимов, Яққасарой тумани.

Шифокор Ё.Исахўжаев жавоб беради:

Инсон танаси доимий равишда хиллардан мунай микродорда тозаланиб туриши керак. Дезодорантлардан фойдаланилганда, улар тер чиқши йўллари тўсиб қўяди — зеро уларнинг таъсири айнан шу хусусиятга асосланган. Лекин ўша терлар чика олмаслиги натижасида танадан чиқиб кетадиган захарли моддалар тери остида тўплана бошлайди ва шу ҳолдаги тана тўқималарига — шу жумладан кўрак безлари, ўпка, юрак ва бошқа аъзоларга сингиб ўтади.

Натижада турли хасталиқларнинг пайдо бўлиши хавфи туғилади. Айрим мутахассисларнинг фикрича, жумладан, нафақат аёлларда, балки эркекларда ҳам кўрак саратони, бошқа кўпгина касалликлар юзага келиши мумкин.

Аммо бундан дезодорантлардан мутлақо фойдаланмаслик керак экан, деган хулоса келиб чиқмайди. Ҳамма нарсада бўлганидек, бу масалада ҳам меъёрни билиш муҳим. Аввало, 24 соат давомида таъсир этадиган дезодорантларни харид қилишдан тийилган маъқул. Оддий дезодорантларни кечқурунлари бадан кирини кетказадиган юмшоқ ювиш воситалари билан илиқ сувда ювиб ташлаш керак, холос.

ОШҚОЗОННИ ҚАНДАЙ АСРАШ МУМКИН?

Мақтаб ёшидаги болаларни ҳаммаша ҳам иссиқ овқат билан тушлик қилдириш имкони бўлавермайди. Ишлайдиган катталар ҳам иссиқ овқат билан тушлик қилиш учун вақт тополмасликлари мумкин. Дарсдан кейин нормал овқатланиб олиши учун болалар папкасига ошқозонига зарар қилмайдиган нималар солиб қўйиш мумкин?

Тиббийёт фанлари номзоди О. Содирхонов тахрири остида:

Бола миясининг фаол ишлаши учун оддий қантшакар углеводлари керак — улар парчаланиб, танага қувват бўлади. Лекин улар инсон танасида жуда тез ишлатилиб кетади. Болалар айнан шунинг учун ҳам ширинликни яхши кўришади.

Чунинчи, бир дона шоколад конфети қуввати тахминан 40 дақикаларга, сутли бутқа — 2-3 соатга, картошка пюреси билан истеъмол қилинган котлетлар қуввати 6-8 соатгача етади. Нормал овқатланиш режимида кўра, хар 4 соатда сарфланган қувватлар ўрни тўлдириб турилиши керак.

Агар юқоридагидай тушликда иссиқ овқатнинг иложи бўлмай қолса, қуруқ тушлик таркибига албатта хўл мева, йогурт ёки пакетдаги сут, шарбат, вафли ёки печенье кириши мақсадга мувофиқ. Бутерброд таъбири берса ҳам бўлади. Қайноқ чойли ёки какаоли термос бўлиши ҳам кўнглингиз тўқ бўлишига ёрдам беради. Шуларнинг ҳаммаси бир кунлик зарурий овқат нормаси ҳисобланади.

БАНКАЛАРДАГИ ВИТАМИНЛАР

Ёз ва куз кезлари бодринг ва помидорларни кишга тузлаб ёки мариновка қилиб қўямиз. Мана, бу йил ҳам банкларни очиб, ўша тузлама ва маринадланган бодринг, помидорларни иштаҳа очиб воситаси сифатида мазза қилиб истеъмол қилаямиз. Лекин уларнинг танага фойдаси камайиб кетмаганмикин, витаминлари йўқолмаганмикин?

Гап уларнинг қандай тайёрланганида. Агар банклар оғзи тузламаларни тайёрлаш вақтида яхши ёпилган бўлса, бодринг ва помидорлардаги барча витаминлар 12-14 ойгача жуда яхши сақланиши мумкин. Сабзавотчилик илмий-тадқиқот институти мутахассислари шундай фикрни билдиришди.

Лекин, уларнинг оғохлантиришларида, истеъмол учун банкани очганингиздан кейин, унинг оғзини маҳкам бекитиб, совутигича сақлаганингизда ҳам 3-7 кун ичида сабзавотлар фойдалилиги амалда йўқолади.

АРМАГЕДОН БУЛУТИ БОР ГАПМИ?

АҚШдаги Кембриж университетидан қандайдир бир астрофизик 2014 йилга бориб Галактика марказида пайдо бўладиган гигант чанг булутлари — Армагедон булутларидан Ер сайёраси ҳалокатга учрашини «башорат» қилган. Чиндан ҳам шундай хавф-хатар борми?

Сухроб Йўлдошев, Чилонзор тумани.
Мутахассисларнинг билдиришларида, аввало ўша астрофизик бирор даражада танилган олим экани номалум. Булутларга келадиган бўлса, улар афсонадан бошқа нарса эмас. Зеро, физик олимларнинг катий фикрларига кўра, чанг-тўзонлар ёруғлик тезлигига яқин тезликда уча олмас экан.

Мабодо, бу — сайёра портлаши бўлганида ҳам чанг-тўзон эмас, плазма — яъни зарядланган заррачалар қуйқаси пайдо бўларди. Лекин, биринчидан, у марказдан узоқлашиб жараёнида тобора кучсизланиб бориши оқибатида Ерга етиб келолмайди. Ёки Галактика магнит майдонлари таъсирида бошқа йўналишларга оғиб кетади.

Иккинчидан, бу воқеа 28 минг йилдан кейингина содир бўлиши мумкин. Ердан Галактика марказигача бўлган масофа шунга тенг.

АЗАЛ-АЗАЛДАН МАЪЛУМКИ, МАҲАЛЛАЛАР — ЭЗГУЛИК БЕШИГИ, ТАРБИЯ ЎЧОГИ, МИЛЛИЙ УДУМЛАР, УРФ-ОДАТЛАР ВА АНЪАНАЛАР ШАКЛЛАНГАН БИРОДАРЛИК МАСКАНИ. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ХАЛҚИМИЗНИНГ ТАРИХИЙ АНЪАНАЛАРИ ҚАТОРИДА МАҲАЛЛАНИНГ МАВКЕИ ҚАЙТА ТИКЛАНДИ ВА БУГУНГИ КУНДА МАҲАЛЛА КИШИЛАР ЎРТАСИДА ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК, ЎЗАРО ҲУРМАТ ВА ИНСОНПАРВАРЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТИБ КЕЛМОҚДА.



Маҳаллаларда

ЭЗГУЛИК — УМР НАҚШИ

Хусусан, Юнусобод туманида жойлашган «Бободехқон» маҳалласига кириб келганимизда юқоридаги фикрлар беихтиёр хаёлимиздан ўтди. Замонавий, хар тарафлама кишини ўзига чорловчи маҳалла гузарига бизни юзу кўзидан самимийлик уфуриб, камтар-камсуқумлиги бир қарашдаёқ сезилиб турган фуқаролар йиғини раиси Машкура опа Исмоилова кўтиб олдилар. «Ўз ишининг устаси» деган иборанинг ер ичида беҳижра юрмаганига биз шу кунга яна бир бор гувоҳ бўлдик. Хар бир гапини билиб-билиб сўзлаётган раис биздан савол ҳам кўтиб ўтирмадилар.

— Ун бир йилдан буён маҳалла котиби, сўнгра хотин-қизлар комиссиясининг раиси, мана 4 йил бўлди фуқаролар йиғини раиси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқдаман, — деб сўз бошлади раис. — Худудимизда 5,5 минг аҳоли, 648 та хонадон, 920 та оила истиқомат қилади. Шулардан 24 тасини кам таъминланган оила, 7 нафарини уруш фахрийлари, 119 нафарини вояга етмаганлар ташкил этади. Аввало эътиборимизни кекса, ногирон, камхарж, кўмакка муҳтож оилаларга қаратганмиз. Вояга етмаган болалар эса доимо диққат-эътиборимизда. Осиёйшталик посбонлари — 400- миллиция таянч пунктнинг маҳалла идорамизда жойлашгани яқин ҳамкорлик ўрнатилишига омил

бўлган. Учаскта инспекторлари — катта профилактика инспектори, капитан Нуржон Қодиркулов, учаскта инспектори, лейтенант Дилшод Толипов, 12 нафар посбон ва посбонлар сардори Шукур Қаримовларнинг саъй-ҳаракатлари, аҳоли билан ҳамжихатликда ишлаганиклари сабаб 2005 йилда биронта жиноят содир этилмади, турли нохушлиқларнинг олди олиниб, ажримларга, ортиқча дабдабозликка йўл қўйилмади, турли ноқонуний кўчаларга кириб кетишлар бўлмади.

Биз маҳалла фуқаролар йиғини раисини бир гуруҳ отахонлар даврасида қизгин фикр-мулоҳазалар билдирилаётган вақтда учратган эдик. Шунинг учун ҳам аёл кишининг маҳаллага бош бўлиши осонми, деган саволни бердик.

Саволимиз опани бир оз ўйлатиб қўйди чоги, кулимсираб қараб қолдилар.

— Қизим, хар бир инсоннинг ўз олдига қўйган мақсад-вазифаси бўлади, тўғрими, — дедилар бир оз тин олиб. — Маҳалланинг дарду ташвиши, оғир-енгил кунни, қувончу шодлиги менга сингиб кетган. Ўзим шу ерда туғилиб-ўсганим учун хар бир қарич ери менга қадрдон, хар бир оиланинг катта-кичик, яхши-ёмон кунидан хабардорман. Халқ менга ишониб сайлаган кунда олдимга қатор режаларни қўйган эдим. Бугун

юзим ёруғ, маҳалла гузарини, болажонлар учун спорт майдонини қуриш, худудни тоза, озода холга келтириб ободонлаштириш каби вазифаларни 9 ойдаёқ бажариб қўйдик. Ёрдамга муҳтож оилалар эса доимий эътиборимизда. Имкон борича, беминнат уларни қўллаб-қувватлаб келаямиз. 273-ўрта мактаб, 47-«Ширинтой» деб номланган мактабгача тарбия муассасаси билан «Маҳалла-оила-мактаб» концепциясига асосан ҳамкорликда иш олиб борамиз. Яна маҳалламизда қўшимча таълим маркази фаолият кўрсатади. Ушбу марказ ногирон болалар учун 18 хил йўналишда ҳунар ўргатади.

Ўсиб келаётган ёш авлодининг соғлиқ-саломатлигини тиклаш бўйича ҳам маҳаллада кўпгина ибратли юмушларга қўл уриланган. Хусусан спортнинг таъқвонда, шахмат-шашка, стол теннис, каратэ турлари бўйича машғулотлар мунтазам ўтказилиб келинади. «Футболимиз келажак» номи футбол, «Қувонқ-стартлар», «Отан, онам ва мен» мусобақалари эса барчага бирдек маъқул бўлмоқда.

— Яна бир қомандамиз бор, — дейди раис мийиғида қулиб, бу — 55 ёшдан 65 ёшгача бўлган аёллардан ташкил топган волейбол жамоаси. Албатта ўзим бошчилигимда, ахир хар бир аёл ҳам ёши улғайгани сари соғлом бўлиши хоҳлай-

ди-ку. Биз шу фикрдан келиб чиққан ҳолда ушбу қомандани тузганимиз, вақти келганда қўшни маҳаллаларга ҳам бориб ўртоқлик учрашувларини ўтказиб келаямиз. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда бунинг мақбул йўл деб ўйлайман.

Бозор иқтисодиёти шароитида маҳаллаларда катта-катта ишларни амалга оширишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун оқоқол-тадбиркор бўлиши лозим. Бу борадаги ишлар маҳаллада қандай ечимини топлмоқда? Сухбатимизнинг бирдан иқтисодга бурилишидан опа жиддий тортидилар.

— Халқимизда «Қаловини топсанг қор ҳам ёнади» деган мақол борлигини яхши биласиз. Биз ҳам «қаловини» топишга ҳаракат қилаямиз. Хар бир бошлаган ишимиз маҳалла фаоллари М.Ҳамидов, М.Саъдиев, М.Исмоилов, А.Қодиров, М. Азизов, С.Нигматов каби 14 нафар фаоллар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Маъмура Мўминовалар билан ўзаро ҳамкор-ҳамжихатликда олиб борилади. Бунда албатта саволатли тадбиркорларимиз, беминнат ёрдам қўлини чўзадиган ҳомийларимизга суянаемиз. Шу ўринда қачон чарқисак «лаббай» деб ёрдамга етиб келадиган «Тоҳир ота» хусусий фирмаси мутасаддиларига миннатдорчилик билдириб ўтмоқчи эдим.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили режаларни қандай? — деган саволимизнинг жавоби ҳам кўнглини беихтиёр кўтарди.

— Аввало айтиб ўтай, биринчи навбатда кам таъминланган

ХАЙРИЙ ЙЎЛДАГИ ҲАМКОРЛИК

“ЭКОСАН” ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯЛАР ЗАЛИДА ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК КУНЛАРИ, ШУНИНГДЕК ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ ДАВЛАТ ДАСТУРИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЮЗАСИДАН ФАОЛ ТАШКИЛОТЛАР ИШТИРОКИДА ЙИГИЛИШ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ТУРЛИ ВАЗИРЛИКЛАР, ИДОРЛАР, ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ, ЭЛЧИХОНА ВА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР, ФАХРИЙЛАР АССОЦИАЦИЯСИДАН ВАКИЛЛАР ҚАТНАШДИ

Йиғилишда «Экосан» халқаро ташкилоти раиси Юсуф Шодиметов Президентимиз томонидан халқимиз аъналарини қайта тиклаш ва қучайтириш мақсадида 2006 йилнинг Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилиниши барча учун айни муддао бўлганлигини таъкидлар экан, «Экосан» ташкилотининг асосий мақсади аҳоли орасида, ёшлар ўрталарида экологик билимини тарғиб қилиш эҳтислигини ҳам айтиб ўтди.

Хозирги даврда турли вазирилик ва идоралар томонидан экологик қийин шароитдаги муҳтож оилаларга ихтиёрий равишда моддий ва маънавий кўмак бериб келинмоқда. Бу ёрдамлар эса ҳаммаша давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

жўнатди ва 40 мингдан ортиқ ёрдамга муҳтож кишиларга хар томонлама кўмак берилди. Бу ишлар 2006 йилда ҳам изчил давом эттирилмоқда. Кунни кеча Тошкент вокзалдан Қорақалпоғистон Республикасига жўнатилган «Экосан» хайрия поезди ҳам бунга ёрқин мисолдир. Ушбу поезда муҳтож оилаларга ёрдам тариқасида 35 миллион сўмлик қийим-кечак ва озиқ-овқат жўнатилди.

Шуни ҳам айтиш керакки, 15 февралдан 15 мартгача Республикада «Экосан» поездларини ва автопоездларини маблаг билан таъминлаш ойлигига қизгин ҳозирлик кўрилмоқда.

Анжуманда сўзга чиққан ташкилот раҳбарлари хайрия йўлида қилинган ишлар, «Эко-



сан» халқаро ташкилоти билан мустаҳкам алоқалар ва бу йилги режалаштирилган ҳомийлик ёрдамлари ҳақида тўхталиб ўтилди.

Адам ДАМИНОВ
СУРАТДА: “ЭКОСАН” халқаро ташкилоти томонидан навбатдаги “Саломатлик” хайрия поездлари жўнатилмоқда.

Наталья Семёнова
олган суратлар

Оз-оз ўртаниб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ҳеч ким устозсиз топмас жаҳонда исзу жо,
Нечаки ҳашмат била исқандари даврон эрур.

ПОШШОҲУЖА

Бир куни Исқандардан:

— Сен устозингни онангдан кўра яхшироқ ҳурмат қилар эмишсан, шу ростми? — деб сўрадилар.
— Ҳа, — деб жавоб берди Исқандар, — онам мени йўқлик осмонидан олиб тушди, устозим эса ердан кўкка кўтарди.

«ФАВОКИХ АЛ-ЖУЛАСО»

Жаҳон илмики бу кун менга ёд эрур,
Анга барча жаҳд аҳли устод эрур.

НАВОИЙ

Бузургмехрдан:

— Нима учун устозингни отангдан афзалроқ ҳурмат қиласан? — деб сўрадилар.
— Чунки отам мени ўткинчи ҳаётга олиб келди, устозим эса боқий ҳаёт бағишлади, — деб жавоб берди.

«ОТАЛАР СЎЗИ»

Олимларга яқинлаш, баҳра олгил тугиб дил.

Маҳмуд ҚОШҒАРИЙ

Ҳақиқатан ҳам устоз илм бериши билан кишининг номини улуглаб, авлодлар оғзида қолдиради ва иккинчи ҳаёт бағишлайди.

Илм андоқ ганжи нофеъдур бани одамгаким,
Кимда ул бўлса, икки олам бўлур обод анго.

ОҒАХИЙ

Шахски, илм нурун топти зоти,
Анинг то ҳашр қолди яхши оти.
Исқандар чун топти илму ҳунарни,
Не янглик олди, кўргил, баҳру барни.

НАВОИЙ

Бу замонда ҳамдами роз ўлмага ўқуш керак,
Хар китобни ўқигонда маънисин ўқиш керак.
Андин ўрганиб адаб илмин газал тўқиш керак,
Норасоликнинг жаҳонда томирини қирқиш керак,
Илмсиз афсунчиларга тири паррондур китоб.

Дилшоҳи БАРНО

Кишиларга улардан аввалроқ салом беришга шошил,
Бу улуг кишиларнинг фазилатларидан бўлиб, камтарлик нишонларидан биридир.

Муҳаммад ХУСАЙН

Қалам оламини идора қилади.
Қаламнинг кучи қиличдан ўткир.
Қиличнинг кучи қаламнинг учу.

«ОТАЛАР СЎЗИ»

Билим, ҳунар, эзгу қилиқ ва ё хулқни
Киши ўрганади, сўнг йўриқ тузилади.
Киши зулмат босган қоронғу уй кабидир,
Ўқув-идрок бир машъалдирки, уни ёритади.
Кўргин, турли яхшиликлар ўқув-идрокдан келади,
Киши билим туйфайли улғаяди, машхур бўлади.

ЮСУФ ХОС ХОЖИБ

Саҳл ибн Хорун айтади:

— Қалам кўнглининг бурнидир, у қачон қонаса сирларни дафтар юзига сочади ва асарларни юзага келтиради.
Қалам қозғоз юзига гавҳар тизувчи асбобдир, китоб бир богки, ёзувлари унинг гулларидир.

«ФАВОКИХ АЛ-ЖУЛАСО»

Китоб олимлар фикрининг бурнидир, у қачон қонаса сирларни дафтар юзига сочади ва асарларни юзага келтиради.
У кимсасиз кишиларга дил очувчи бог, кўнгли шикасталарга раҳнамодин. У барча ерда барча билан ошно, дардли кишилар дилига даводир.

Бир дўстки, ҳеч кимга бермаган азоб,
Узоқ синаб кўрдим, билсанг у китоб.
Сирни яширмайди ўқувчисдан,
Хабар берар сенга ёзувчисдан.
Хилватда сен билан бўлиб у улфат,
Жимгина куради ёқимли суҳбат.
Ҳеч кимдан қолишмас билимни ахбор,
Ундан сўрамасанг бермайди жавоб.

Муҳаммад ЖАБАЛУРДИЙ

Бўлса гар илму ҳунардин холи ул,
Эй Камий, оламда билким, хордур.

КАМИЙ

Кимки китобга кўп боқса, китоб унинг зехнини очади,
Завқини оширади, сўзга чечан қилади.
Китоб ёлғизликдаги энг мунис ҳамдамдир.
Китоб ўтмишдан ҳам, келажакдан ҳам хабар берувчидир.

«ОТАЛАР СЎЗИ»

Китоб инсондан ҳеч нарса тиламайди,
Аммо уни камолга етказидади.
Китоб одоб-ахлоқнинг қони, билимнинг эса булогидир.

«ОТАЛАР СЎЗИ»

Эй азият! Киши учун китобдан азирок, доно кишилар суҳбатдош йўқдир. Китоб фасоҳат, балогатда, латофатда тенги йўқ, мунофиқликдан холи ҳамроҳдир. Ёлғизликда ва гамли айёмларда мунис улфатдир. Унда на ниғоқ бору, на гина. У шундай ҳамдамки, сўзларида ёлгон ва хато бўлмайди. Суҳбатидан эса кишига малоллик етмайди. У ўз дўстининг дилини оғритмайди. Юрагини эса сиқмайди. У шундай рафиқдирки, киши орқасидан гийбат қилиб юрмайди. Унинг суҳбатидан сенга шундай файзли фойдалар етдики, бундай фойдани одамлардан топа олмайсан. Аксинча, аксар одамлар суҳбатидан кишига зарар етади. Китобдек дўст ичда барча илму хилм мужассамдирки, у кишиларни ўтмишдан ва келажакдан огоҳ қилиб туради. Шунинг учун ҳам: «Китоб ақл қалъасидир», деганлар.

Муҳаммад ЖАБАЛУРДИЙ

Бизни хорликка солган, бегумон билдик — билимсизлик
Дегаймиз онг учун, ох, онгсизлик — билимсизлик.
Демокчиман илм, одоб туғсин, фазл ўлиб номи,
Ўшандоғ бир ўғилдин лаззат олсин бу жаҳон коми,
Билим шундоғ бўлганда, ер юзида қолмасин оми,
Бўлур ул онда инсон бир-бирига лутф-эхсонлик.

ОРАЗИЙ

Абу Бахр ал-Хоразмий ўлим тўшагида эди. Ундан:
— Кўнглинг нимани хоҳлайди, иштаҳанг нимани тусамокда? — деб сўрадилар.
— Китоб юзига бир қарасам, — деди у.

«ФАВОКИХ АЛ-ЖУЛАСО»

Абулбарокот ҚОДИРИЙ

Маҳмуд ХАСАНИЙ,

Ҳамиджон ХОМИДИЙ тайёрлаган

БАТАНИМИЗ
МУСТАҚИЛЛИККА
ЭРИШГАНДАН
СЎНГ ҲАР БИР
СОҲАДА ХОРИЖИЙ
МАМЛАКАТЛАР
БИЛАН ДЎСТОНА
АЛОҚАЛАР ЖАДАЛ
РИВОЖЛАНДИ.
АЙНИҚСА САНЪАТ
СОҲАСИДАГИ
ЮТУҚЛАР
ЮРТИМИЗ
ДОВРУГИНИ
ОЛАМГА ЁЙМОҚДА.



Санъат

«ОҚҚУШ КЎЛИ»ДАН БАҲРА ОЛИНГ

Бинобарин, яқин ҳамкорликнинг натижаси ўлароқ илк бор К.Станиславский ва В.Немирович — Данченко номидаги Москва мусика академик театрининг балет гуруҳи ўз спектаклларини мамлакатимиз санъатсеварларига тўхфа қилди.

Алишер Навоий номидаги давлат академик Катта театрида икки кун давомида Москва театри актёрлари ижросида «Оққуш кўли» спектакли намойиш этилди.

Тўрт пардадан иборат ушбу мусикали спектаклдаги рол-

ларни Россия халқ артистлари Татьяна Чернобровкина, Виктор Дик, халқаро танловлар совриндорлари Оксана Кузьменко, Наталья Крапивна, Наталья Сомова ва Георгий Смилевски каби иқтидорли актёрлар катта маҳорат билан ижро этдилар. Мусикашунос Россия халқ артисти Владимир Бурмейстер, дирижёр Россияда хизмат кўрсатган маданият ходими Владимир Арефьев, спектаклнинг бадий раҳбари Россия халқ артисти Михаил Лавровскийлар сахна асарининг қиёмига етказиб ижро этилишига катта ҳисса қўшдилар.

— «Оққуш кўли» балети, — дейди Татьяна Чернобровкина, — бугун дунё олқишига сазовор бўлган спектакл-дир. Илк мартаба 1953 йилда намойиш қилинган ушбу спектакль хали-ҳануз томошабинлар меҳрига сазовор бўлиб келмоқда. Айни дамда Тошкентда илк мартаба ижодий сафардамиз. Ўйлайманки, бизнинг бу ташрифимиз ҳар бир санъатсевар инсонлар қалбида ўчмас из қолдиради.

Алишер Навоий номидаги давлат академик Катта театри сахнасида 26 февралгача давом этадиган «Оққуш кўли», «Дон Кихот», «Жизель» ва «Шелкунчик» каби спектаклларидан ҳамшаҳарларимиз бир олам завқ олишлари мумкин.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

СУРАТЛАРДА: К.Станиславский ва В.Немирович-Данченко номидаги Москва мусика театри актёрлари ижросидаги «Оққуш кўли» спектаклидан лавҳалар

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

«ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ» СИЗЛАРНИ «ESKI JO`VA DENQON BOZORI» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН ТАҚДИМ ЭТИЛГАН ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Биржа савдоларига «ESKI JO`VA DENQON BOZORI» очик акциядорлик жамияти ҳудудидаги «ТИМ – 2» савдо мажмуасида жойлашган, куйидаги савдо дўконлари қўйилди:

- умумий (савдо) майдонлари 31,36 кв.метрдан бўлган 13 (ун тўртта) савдо дўкони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 24 828 423,62 сўмдан;
- умумий (савдо) майдонлари 31,36 кв.метрдан бўлган 7 (еттита) савдо дўконлари шийпони билан, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 28 139 767,86 сўмдан;
- умумий (савдо) майдонлари 64,24 кв.метрдан бўлган 2 (иккита) савдо дўкони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 56 252 703,25 сўмдан;
- умумий (савдо) майдонлари 64,97 кв.метрдан бўлган 2 (иккита) савдо дўкони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 56 950 980,37 сўмдан;
- умумий (савдо) майдони 65,88 кв.метрдан бўлган 1 (битта) савдо дўкони, бошланғич баҳоси — 57 820 284,22 сўм.
- умумий (савдо) майдонлари 40,60 кв.метрдан бўлган 2 (иккита) савдо дўкони шийпони билан, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 36 971 425,82 сўмдан;
- умумий (савдо) майдонлари 40,60 кв.метрдан бўлган 2 (иккита) савдо дўкони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 33 659 497,58 сўмдан.

Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунини соат 11-00 дан 12-00 гача ҳамда 16-00 дан 17-00 гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.

Биржа савдоларида қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:
Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй, 402-хона.
Телефон: 132-25-51, факс: 133-20-74.

«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ ДИРЕКЦИЯСИ

18 ёшдан 25 ёшгача бўлган ҳар хил миллатга мансуб ёшларни халқ артистлари Ақром Юсупов ва Юрий Никулин номидаги студиянинг масхарабозлар гуруҳига ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Иш кунлари дирекцияга соат 10 дан 16 гача шахсан мурожаат қилишингиз лозим.

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г-308

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,
136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
5218 нусxada босилди.
Қозғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.
Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашрийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 6